

19_0011/VPN-NET - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Ташкент ш.

2022 йил "08" январ

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “31” декабрдаги № 27-01-14/6019 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанияning ТШТТ филиали директори Ф.Ш.Рустамов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Олий ва урта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Мънавият ва маърифат маркази, номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик түгрисидаги гувоҳнома, ишончлома) асосида фаолият юритувчи Л.Ж. Нигматов (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида Абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлгали Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиқканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептгани) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминланашасидан зарур чорафарни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билал Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар мизлий валютада кўрсатилали ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (үч) банк куни мобайнида амалга оширадилар.

3.3.1. Илк бор улапицда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўлапади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлгали Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган ҳолда) (15 080 000) сўмни ташкил стади. Ушбу сумма 5 030 000 (5030000) сўм микдоридаги Абонент тўловини ҳамда () микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўргасида имзоланган кўнимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланаади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилгани кундан бошлаб 3 (үч) банк куни ичидан ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблағларини ўтказиш йўли билал Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўйайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан улапицда Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан тақдим этилган хизматлар учун амалга оширилмаган бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вақтинча тўхтагишини, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларниң фидди олишини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка килиш ушун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бошуслар кўриннишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланимайди ёки кайтарilmайдi.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактуралда тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (юн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз ётироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг ётироzlарни асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календеръ ойида тақдим этилладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактуралда) тегишли тузагишиларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баласи салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномалини бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси таалаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конуучилигига мувофик хамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақлирда низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик Тошкент туманлааро иктисадий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз хуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиши тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатги-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган холла, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган хар кандай холатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегишиш шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чикиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат талаф этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишида хабардор килинади.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттирса ва Томонларниңг хеч бири унинг бекор килинини эълон килмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганинига ҳакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг маизиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгариши ва бошке ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (үн) календарь кун** ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва кўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, ҳакиқий хисоблашади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг маизиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:

“Ўзбектелеком” АҚ ТШТТ филиали
Манзил: 100015, Тошкент ш.
Кичик ҳалка йули, уй 2
Банк маълумотлари:
х/р: 20210000704074838066;
СТИР 203366731;
МФО: 00401; АТБ “Алокабанк”
Тел: 1155 ;
E-mail: info@upr.tshtt.uz / www.tshtt.uz;

Оператор номидан:

Ф.И.Ш Рустамов

Директор

И.М.ЗО/

/ и.ш.ф/

АБОНЕНТ:

Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги
Мъявнавият ва маърифат маркази

Манзил: *Олия дарорти Тошкент шаҳри №2, 70.*

Банк маълумотлари:
х/р: *100010860262807096300079003*

СТИР *206 237 081*

МФО: _____; Банк номи: _____;

Тел: *71246-64-75*

E-mail: _____

Абонент номидан:

Директор Абонент А. Маминов

М.У.

И.М.ЗО/

/ и.ш.ф/

Имзо турилган

Л. Ахтаров

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан пархи (миқдори)	Леос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
1.1	МИНВУЗ-300 тариф режаси бўйича интернет тармоғига уланиш тезлиги 00:00 дан 19:00 гача 300 Мбит/с, 19:00 дан 00:00 гача 75 Мбит/с, “UZ-IX” ва “TAS-IX” Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш 1000 Мб/с тезлигига	2 500 000,00	Нархнома	2	5 000 000,00
1.2	Статик IP манзил абонент тўлови	30 000,00	Нархнома	1	30 000,00
Жами (олдиндан тўлов)					5 030 000,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 5 030 000,00 (Беш миллион ўттиз минг сўм) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 15080000 (Чин беш миллион туксан минг

) сўмни ташкил этади. Ундан 5 030 000,00 (Беш миллион ўттиз минг сўм) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови

ОПЕРАТОР:

“Ўзбектелеком” АК ТШТТ филиали

АБОНЕНТ:

Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги
Маънавият ва маърифат маркази

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Ф.И.Рустамов
/и.ш.ф/

м.ў

/имзо/

/и.ш.ф/

